# IX.ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Қашқадарё вилояти ташқи савдо айланмаси 2020 йилнинг январь-март ойларида 141,1 млн. АҚШ долларни, жумладан экспорт 60,0 млн. АҚШ долларни, импорт 81,1 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Ташқи савдо сальдоси -21,1 млн. АҚШ долларни, шу жумладан МДҲ давлатлари билан 4,9 млн. АҚШ долларни ва бошқа давлатлар билан -25,9 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

**Қашқадарё вилоятининг ташқи савдо айланмаси**
*(2020 йил январь-март)*

| | *млн. АҚШ доллари* | *2019 йилнинг январь-мартига нисбатан, % ҳисобида* | *жамига нисбатан улуши, % ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| **Ташқи савдо айланмаси** | **141,1** | **87,6** | **100,0** |
| МДҲ давлатлари | 30,0 | 82,3 | 21,3 |
| бошқа давлатлар | 111,1 | 89,1 | 78,7 |
| **Экспорт** | **60,0** | **109,9** | **100,0** |
| МДҲ давлатлари | 17,4 | 91,2 | 29,0 |
| бошқа давлатлар | 42,6 | 119,9 | 71,0 |
| **Импорт** | **81,1** | **76,1** | **100,0** |
| МДҲ давлатлари | 12,6 | 72,4 | 15,5 |
| бошқа давлатлар | 68,5 | 76,8 | 84,5 |
| **Сальдо** | **-21,0** | **х** | **х** |
| МДҲ давлатлари | 4,9 | х | х |
| бошқа давлатлар | -25,9 | х | х |

## МДҲ ва бошқа давлатларнинг Қашқадарё вилоятини ташқи савдо айланмасидаги улуши
*(январь-март)*




Қашқадарё вилоятининг 2020 йил январь-март ойларида ташқи савдо айланмасидаги улушининг 21,3 %и МДҲ давлатларига тўғри келади қолган 78,7 % бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келди. Бу кўрсаткичлар 2019 йилда мос равишда 22,6 %и МДҲ давлатларига тўғри келган бўлса, қолган 77,4 % бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келди. Қашқадарё вилоятининг МДҲ давлатлари билан олиб борилган ташқи савдо айланмаси 2020 йилнинг январь-март ойларида 141,1 млн. АҚШ долларни ташкил қилган бўлса, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 87,6 % кузатилган. Шундан экспорт 109,9 % ни ташкил қилган бўлса, импорт 76,1 фоизга етди.

МДҲ давлатлари орасида Қозоғистон, Россия, Тожикистон, Қирғизистон давлатлари ташқи савдо айланмасида асосий ҳамкорлар ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 18,0 % ни ташкил қилади, бошқа давлатлар орасида Жанубий Корея, Хитой, Туркия, Эрон, Афғонистон, Индонезия, Покистон, Чехия ва Польша давлатлари ҳисобланади.

**Қашқадарё вилояти ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар, фоизда**
*(2020 йил январь-март)*




Қашқадарё вилоятининг 2020 йил январь-март ҳолатига ташқи савдода энг асосий ҳамкор давлатлари Хитой Халқ Республикаси (28,9 фоиз), Россия (10,3 %), Эрон (8,8 %), Туркия (7,2 %), Германия (6,2 %), Ҳиндистон (5,2 %) ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 66,6 % ни ташкил қилади.

Дунёдаги мамлакатлар орасида экспортда ҳамкор давлатлар Эрон, Россия, Туркия, Афғонистон, Хитой, Индонезия ҳисобланиб, уларнинг жами экспортдаги улуши 74,8 % ни ташкил қилади, импортда эса ҳамкор давлатлар Хитой, Германия, Ҳиндистон, Россия, АҚШ давлатлари ҳисобланади, ҳамда уларнинг улуши 77,6 % ни ташкил қилади.

## Қашқадарё вилояти ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар

*(2020 йил январь-март)*

*минг АҚШ доллари*

| Давлат номи | Ташқи савдо айланмаси | Экспорт | Импорт | Ташқи савдо айланмаси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | улуши, % | Ўзгариш сурати, % |
| Хитой | 40699,3 | 5923,8 | 34775,5 | 28,8 | 60,4 |
| Россия | 14559,7 | 7743,2 | 6816,5 | 10,3 | 108,1 |
| Эрон | 12359,0 | 12275,3 | 83,7 | 8,8 | 2,9 м. |
| Туркия | 10217,9 | 7471,4 | 2746,5 | 7,2 | 58,4 |
| Германия | 8689,2 | 20,9 | 8668,3 | 6,2 | 1,9 м. |
| Ҳиндистон | 7350,4 | 236,5 | 7113,9 | 5,2 | 117,9 м. |
| Афғонистон | 6289,9 | 6289,9 | - | 4,5 | 166,7 |
| Қозоғистон | 6064,5 | 4805,9 | 1258,6 | 4,3 | 63,0 |
| АҚШ | 5527,1 | 4,4 | 5522,7 | 3,9 | 48,3 м. |
| Индонезия | 5075,2 | 5075,2 | - | 3,6 | 101,0 |
| Покистон | 3094,9 | 3086,7 | 8,2 | 2,2 | 3,6 м. |
| Беларусь | 2981,6 | 57,6 | 2924,0 | 2,1 | 4,7 м. |
| Тожикистон | 2924,8 | 2908,5 | 16,3 | 2,1 | 108,9 |
| Қирғизистон | 1890,9 | 787,4 | 1103,5 | 1,3 | 86,2 |
| Республика Корея | 1794,5 | 20,0 | 1774,5 | 1,3 | 56,9 |
| Япония | 1528,1 | 8,2 | 1519,9 | 1,1 | 30,7 |
| Литва | 1372,1 | 82,7 | 1289,4 | 1,0 | 75,7 |
| Италия | 1226,4 | - | 1226,4 | 0,9 | 2,9 м. |
| Украина | 875,9 | 712,7 | 163,2 | 0,6 | 25,7 |
| Бразилия | 844,3 | - | 844,3 | 0,6 | - |
| Сингапур | 568,8 | 564,0 | 4,8 | 0,4 | 2,6 м. |
| Малайзия | 433,0 | 433,0 | - | 0,3 | 3,8 м. |

| Давлат номи | Ташқи савдо айланмаси | Экспорт | Импорт | Ташқи савдо айланмаси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | улуши, % | Ўзгариш сурати, % |
| Австралия | 384,5 | - | 384,5 | 0,3 | - |
| Швейцария | 379,9 | - | 379,9 | 0,3 | 3,4 м. |
| Канада | 376,9 | 2,4 | 374,5 | 0,3 | 78,9 |
| Туркманистон | 364,1 | 86,0 | 278,1 | 0,3 | 8,4 |
| Франция | 361,1 | 0,1 | 361,0 | 0,3 | 89,2 |
| Англия | 354,7 | - | 354,7 | 0,3 | 15,4 м. |
| Молдова, Республика | 328,7 | 328,7 | - | 0,2 | 8,5 м. |
| БАА | 287,8 | 134,7 | 153,1 | 0,2 | 127 |
| Филиппин | 251,9 | 251,9 | - | 0,2 | - |
| Чехия | 217,8 | 208,3 | 9,5 | 0,2 | 51,3 |
| Польша | 204,3 | 126,4 | 77,9 | 0,1 | 133,7 |
| Аргентина | 175,0 | - | 175,0 | 0,1 | 58,4 |
| Бельгия | 142,4 | - | 142,4 | 0,1 | - |
| Жанубий Африка | 135,0 | - | 135,0 | 0,1 | - |
| Эстония | 119,7 | - | 119,7 | 0,1 | 29,4 |
| Египет | 113,1 | 113,1 | - | 0,1 | - |

Қашқадарё вилоятининг экспорт таркибида товарлар ва хизматлар гуруҳлари бўйича ўсиш кузатилган. Пахта толаси экспорти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27,1 мартага, машина ва ускуналар экспорти 13,5 мартага ошган.

Импорт таркибининг умумий ҳажмидан 76,3 фоизини машина ва асбоб-ускуналар, 5,7 фоизини кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ташкил қилади.

**Экспорт ва импорт таркиби**

| Экспорт ва импорт таркиби | Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида | | 2019 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| | 2019 йил январь-март | 2020 йил январь-март | |
| **Экспорт таркиби** | **100,0** | **100,0** | **109,9** |
| Пахта толаси | 0,8 | 19,2 | 27,1 м. |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 23,7 | 12,6 | 58,4 |
| кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | 23,7 | 18,8 | 87,2 |
| энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари | 9,0 | 11,6 | 140,8 |
| қора ва рангли металлар | - | 0,2 | 34,6 м. |
| машина ва ускуналар | - | 0,1 | 13,5 м. |
| хизматлар | 2,1 | 2,8 | 143,8 |
| бошқалар | 40,7 | 34,7 | 94,0 |
| **Импорт таркиби** | **100,0** | **100,0** | **76,1** |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 6,2 | 1,5 | 18,6 |
| кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | 6,4 | 5,7 | 67,6 |
| энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари | 3,5 | 3,9 | 86,7 |
| қора ва рангли металлар | 2,5 | 4,2 | 128,9 |
| машина ва ускуналар | 72,4 | 76,3 | 80,2 |
| хизматлар | - | - | - |
| бошқалар | 9,0 | 8,4 | 70,4 |

**Хизматлар экспорти таркиби,** *%*




Товар ва хизматлар экспорти 2020 йилнинг январь-март ойларида 359,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди, шундан: хизматлар экспорти 7,4 млн. АҚШ долларини ёки ташкил этди ва жами экспорт ҳажмининг 2,1 % ини ташкил қилди.

**Хизматлар импорти таркиби,** *%*

